

**Риск
тушунчаси. Саноат
иншоотларида хавф
ривожланиши.**

РЕЖА

- 1. Халқаро тажрибада риск тушунчасининг вужудга келиши.**
- 2. Рискни баҳолаш босқичлари.**
- 3. Саноат иншоотларида хавф ривожланиши.**

1. Халқаро тажрибада риск тушунчасининг вужудга келиши.

Халқаро тажрибада риск билан боғлиқ муаммолар Н.И.Бабенконинг “Саноат ҳолдингида интеграциялашган риск-менежментини ташкил этиш”, Д.Б.Помелов “Ташкилотда риск-менежментининг назарий ва ахборот таъминотидаги жиҳатлари”, Н.Н.Скрибанинг “Риск менежментини махсус фанлараро таълимот сифатидаги Иқтисодиётда шундай тушунча мавжудки, иқтисодиёт мавжуд бўлмасидан олдин бу тушунча амалда бўлган. Аммо эътибор қаратилмаган бу тушунча, ҳали ҳануз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бу тушунча рискдир!

Унга дунё миқёсида катта эътибор берилётган пайтда, Ўзбекистондаги миллий ишлаб чиқарувчилар, хўжалик юритувчи субъектлари эътиборидан четта қолаётгани, балки йирик корхоналарнинг, корпорацияларнинг вужудга келишига тўсқинлик қилаётган бўлса ажаб эмас! Аммо, бу муаммони бартараф қилиш учун қуйидаги саволларга жавоб топмоғимиз даркор: “Риск” ўзи нима? Унинг фаолиятга таъсири қандай? У қаердан пайдо бўлади? Ундан қочиш ёки унинг таъсирини камайтириш имкони борми?

Е.Холмснинг “Риск-менежмент” ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган бўлиб, риск тушунчасига, яъни, компаниянинг риск-менежменти асосида ётувчи: исталган натижадан огишувчи риск-йўқотиш, риск-имкон, риск-четланиш каби ёндошувларга эга бўлган турлича қарашлар ва парадигмалар борлигини кўрсатади.

Шунга кўра, Россиялик олим В.Т.Севрук риска қуйидагича таъриф беради: “Риск - бу зарар кўриш ёки манфаатни қўлдан чиқариш билан боғлиқ эҳтимоллар ўлчовидир”. Профессор В.М.Усоскин ўзининг изланишида “Риск доимо ноаниқлик билан келиб, охири ўз навбатида олдиндан кўра билиш ёки мумкин бўлмаган воқеалар билан боғлиқ бўлади”, деб изоҳ беради. Агар адабиётларда берилган таърифларни умумлаштирилса қуйидаги маънони олиш мумкин: Риск - бу иқтисодий категория бўлиб, у жамиятнинг ривожланишидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларда, техника ишлаб чиқаришда аниқ бир ечимга эга бўлмаган ҳолатнинг миқдор ва сифат жиҳатдан маълум зарар кўриш эҳтимолига айланиши мумкин бўлган воқелиқдир.


Риск - бу, миқдор ва сифат жиҳатдан йўқотишлар эҳтимолини кўрсатса, унга ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида дуч келишимиз ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Хусусан, риск иқтисодиёт, техника ва техноген субъектлари олдида ечими топилмаган муаммолардан бўлиб ҳисобланиши, унга бўлган эътибор йилдан йилга кўпаётганлигидан далолат беради. Ўзбекистонда риск-менежменти, рискни таҳлил қилиш стандартлари мавжуд эмас, уни миллий ишлаб чиқаришга татбиқ этишдан олдин, халқаро андозаларни кўриб чиққан маъқул ҳисобланади. Бу ўз навбатида йўлимизни ойдинлаштиради, чунки халқаро стандартлар юқоридаги саволларга тўлиқ жавоб бера олади!

2. **Рискни баҳолаш босқичлари.**

Биринчи навбатда, техноген рискнинг алоҳида фаолият соҳалари сифатида пайдо бўлиш ва ривожланиши босқичларини кўриб ўтадиган бўлсак, у риск соҳасининг ўзига қараганда унча узоқ бўлмаган, яъни тахминан 40 йиллик тарихга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Охирги 40 йилда рискларни баҳолашни 4 та асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин, булар:


Сезгирлик таҳлили - ташқи омилларнинг ўзгаришига сезгирлик тадқиқотини сценарий методи

Тебранувчанлик таҳлили - умумий кўрсаткичга нисбатан кутилган қийматнинг ўзгариш ўлчовини ўрганиш; Негатив таҳлили-бошқа риск таҳлили методларига қўшимча тарзда қўлланилади. Нисбий таҳлил - бенчмарк билан таққослаш орқали рискни кўриб чиқади (танланган индексда). Оҳирги 25 йилда рискларни бошқариш соҳасида революцион ўзгариш содир бўлди: Риск фақатгина молиявий корпоратсияларда эмас, балки иқтисодиётнинг бошқа секторларида ҳам қўлланила бошланди. Рискларни бошқаришдаги янги парадигмаси, компаниялар, ҳолдинглар ва иқтисодиётнинг бутун тармоқлари рискларини бошқаришда аниқ оператсия ва фаолият соҳалари бўйича тор доирада қисмли ёндашувидан комплекс бошқарувга ўтишни кўзда тутди



1-rasm. Kompaniyalarda risklarni boshqarishning rivojlanishi[7]

Европа Иттифоқидаги давлат
институтлари рискнинг амалий
кўникмаларини экологик, технологик,
социал ва бошқа масалалари ечишда
қўллай бошладилар.
XX аср 90-йилларининг бошида жаҳон
тажрибасида риск-менеджмент соҳасида
стандартларини шаклланиши
кузатилди.



2-rasm. Risk menejmenti standartlarining rivojlanish tarixi [7]

Стандартларнинг ёйилиши давлатларда, халқаро даражада ва ҳаттоки, тармоқ даражасида амалга оширилди. Бунинг исботи бўлиб, рискларни бошқаришнинг англосаксон ҳуқуқли давлатлар (Австралия, Янги Зеландия, Япония, Буюк Британия, ЖАР, Канада) миллий стандартлари, шунингдек, Ҳомийлик ташкилотлари Треадвай комиссия Комитети (СОСО, АҚШ) ишлаб чиққан стандарт, риск-менежерлар европа ассоцияси федератсияси стандарти (ФЕРМА) ва рискларни бошқариш стандарти ИСО 31000:2009 ҳисобланади.

Тармоқ рискларини бошқариш стандартлари орасида суғурта ташкилотлари (Солвенсй, Солвенсй ИИ) ва банк (Басел, Басел ИИ, Басел ИИИ) фаолияти билан боғлиқ бўлган стандартлар машҳурдир. Риск-менежмент соҳасидаги стандартлар қуйидаги унификатсияни кўзлайди:


- Бу соҳада ишлатилаётган терминология;
- Риск бошқариш жароёни таркиби;
- Риск-менежментининг ташкилотлардаги тизимини тузиш йўллари.

Шунга кўра, хар бир юқорида келтирилган стандартлар турлича ва ҳаммасини бирдай қўллаш кўпгина чалкашликларга олиб келади. Шунинг учун, биз фақатгина айрим стандартларни кўриб чиқамиз.

Мисол учун, Ҳомийлик ташкилотлари томонидан ишлаб
 чиқилган “Ташкилотлар рискини бошқариш.
 Интеграллашган модел”и. Бу моделни компания 2001
 йилда “ПрисеуатерҳоусеСооперс” компанияси билан
 биргаликда ишлаб чиқади. Бу ҳужжат ташкилотлар
 доирасида рискларни бошқариш асослари ва ташкил
 этиш йўллари ҳақида батафсил маълумот беради. Бунда риск
 бошқариш жараёни бир-бири билан боғлиқ 8 таркибий
 қисмдан иборат дейилади, улар:

Ички	муҳитни	аниқлаш;
Мақсадларни		аниқлаш;
Рискли	воқеаларини	аниқлаш;
Рискни		баҳолаш
Риск	таъсирига	жавоб бериш;
Назорат		воситаси;
Ахборот	ва	алоқа;
Мониторинг.		

Жаҳон тажрибасида “СОСО куби”
номини олган бу стандарт
ташкilotлар мақсадлари (стратегик,
оператсион, ҳисоботга тайёргарлик
ва қонунларга риоя қилиш),
компаниянинг ташкилий тузилмаси
ва риск бошқарув жараёни таркибий
қисмлари ўртасида боғлиқликни
ифодалайди (3-расм).



3-rasm. COSO kubi[2]

“Сосо куби” муаллифлари фикрига кўра, бундай фундамент эга бўлиш, ишлашни осонлаштиради ва ҳамжиҳатликни оширади, чунки иштирокчилар орасида мулоқот қилиш учун ягона “тил” топилади. Компания бошлиқлари ўз компанияларида рискларни бошқаришни баҳолашда ягона асосга таянишади, буни ривожлантирган ҳолда ўз мақсадларига эришишни таъминлашади. Қонун чиқарувчи ва бошқарув органлари компанияларининг риск бошқаруви жараёни ҳақида тўлиқ ахборот эга бўлсалар, улардаги афзаллик ва чекловлар ҳақида тушунчага эга бўлишади. Агар ҳар қайси томонлар рискларни бошқаришда ягона концепсия ва тамойилларга асосланган ҳолда фаолият юритишса, келтириб ўтилган барча афзалликлари тўлиқ ишлашини кузатишимиз мумкин бўлади.

Кейинги стандартларни ривожига қадам бу
рискларни бошқариш соҳасида умумий ИСО
стандарти бўлди, бу ИСО 31000 “Риск-менежмент -
принциплари ва қўллаш бўйича қўлланма” (Риск
Манагемент — Принсиплес анд гуиделинес он
имплементатион) стандарти 2009 йилда 26
давлатнинг стандартлаштириш бўйича миллий
ташкилотлари томонидан яратилди. Бу билан
биргаликда ҲСО/МЗК 73:2002 стандарт қўлланмаси
янгиланиб, ИСО/МЗК 31010 “Риск-менежемент -
рискни баҳолаш бўйича қўлланма” стандарти
(ИСО/ИЕС 31010 Риск -Манагемент — Риск
ассессмент гуиделинес) ишлаб чиқилди.

Стандартни қўллашдан мақсад ташкилотлар олдига қўйган мақсадларига эришишлари эҳтимolini ошириш, юз бериши мумкин бўлган эҳтимоллар ва хатарларни аниқлаш, шунингдек, риск-менежмент учун ресурслари самарали тақсимлаш ва фойдаланишда кўмак беришдан иборат. Юқорида келтириб ўтилган илмий фикр ва мулоҳазаларимиз асосида қуйидагиларни хулоса сифатида келтириб ўтамиз: Риск субъектларда техноген хавфсизликни таъминлашда ҳамда бозор шароитларида ўз ўрнига эга бўлишда муҳим хизмат қилади; Мамлакатимизда ишлаб чиқариш субъектлари фаолиятида хавфсизликни таъминлаш ва барқарорликни оширишга хизмат қилувчи миллий риск стандартларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир; Риск стандартини ишлаб чиқишда юқорида келтирилган халқаро риск стандартларининг муҳим элементларидан фойдаланиш ҳамда миллий манфаатларимиз учун мослаштириш хўжалик субъектлари фаолияти самарадорлигини ни ошириш ва уларнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.